O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 22 март жума
Сотувда эркин нархда
№ 63 (2891)

*Ҳар бир хонадон, ҳар бир шаҳар ва қишлоғимиз, бутун Ўзбекистонимизни файзу барака тарк этмасин.*



## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор, сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги эзгулик ва нафосат айёми — юртимизга кириб келган Наврўзи олам билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Дунёда нишонланадиган ҳар бир байрамнинг ўзига хос ва ўзига мос фалсафаси, турли халқлар ва мамлакатлар ҳаётида тутадиган ўрни ва аҳамияти борлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Лекин ана шу гўзал ва бетакрор байрамлар орасида Наврўз айёми ўзининг кўрку таровати, маъно-мазмуни билан алоҳида ажралиб туради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу қутлуғ ва хосиятли кун ҳақида узоқ гапириш, уни кўп-кўп таърифлаш мумкин.

Наврўз — биз учун, аввало, энг қадимий, асл миллий, ғоят ардоқли байрамимиздир.

Наврўз — биз учун баҳор ва уйғониш, яшариш ва янгиланиш, меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир.

Наврўз — биз учун асрлар давомида халқимизнинг онгу тафаккурига, руҳиятига, бутун ҳаётига беқиёс таъсир ўтказиб келаётган бетакрор, ўзига хос бир оламдир.

Наврўз — биз учун ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзидир.

Мана шундай шукуҳли дамларда ҳар қайси инсон табиатдан баҳра олиб, оламга бағрини кенг очиб, ўз қалбидаги энг эзгу туйғу ва тилакларини, орзу ва умидларини юзага чиқариш, ҳаётга, ота-онаси, дўсту биродарларига бўлган меҳру муҳаббатини изҳор этишга интилади.

Бугун мен ҳам кўпчилик қаторида сиз азизларимга, барча юртдошларимга ўзимнинг тилак-даъватларимни, қалбимдаги самимий истакларимни билдирмоқчиман.

Аввало, табиат уйғонаётган, юртимизда Наврўз руҳи, Наврўз мўъжизаси намоён бўлаётган шу ёруғ кунларга эсон-омон етказгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз лозим.

Мана шундай дақиқаларда атрофдаги табиатнинг нақадар гўзал ва бетакрор, бу фусункор ҳаётнинг нақадар бебаҳо неъмат, улуғ бахт эканини ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор ҳис этиши табиийдир.

Ўз яқинларимизнинг қадрига етиш, ён-атрофимиздаги одамлар, маҳалла-кўй, элу юрт билан баҳамжиҳат, меҳр-оқибатли бўлиб, бир-бирига қалб кўрини бағишлаб яшашнинг, содда қилиб айтганда, ҳаётнинг нақадар ғанимат эканини яна бир карра англашга даъват этмоқчиман.

Кундалик турмушда учраб турадиган гина-аламларни юракда олиб юрмаслик, кечиримли бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ёруғ кунлар умиди билан, эртанги кунга ишонч билан яшаш — Наврўзи оламнинг ўзи бизларни чорлайдиган бир аломат, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Яхшиликка интилиш, бизга ато этилган умрнинг ҳар лаҳзасини эзгулик йўлида сарфлаш, бир-биримиздан меҳр-муҳаббатимизни аямаслик — бу ҳам инсондан катта мардлик, бағрикенглик ва олижанобликни талаб қилади.

Менинг тилагим шуки, ана шундай кайфият билан яшаш, ана шундай юксак фазилатларга эга бўлиш учун барчамиз доимо ҳаракат қилишимиз даркор.

Айниқса, етим-есир, бева-бечоралар, муҳтож бўлиб яшаётган одамларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатиш, савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, деган шиоримизни мана шу кунларда янада кўпроқ амалий ишлар билан исботлашимиз лозим.

Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган янги ҳаёт, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш йўлида кейинги ўн йил давомида қанча-қанча довонлардан ўтдик.

Бошимизга тушган не-не машаққатли синовларни енгиб, ўзимиз учун хулоса ва сабоқлар чиқариб, бизни кўролмайдиганларни доғда қолдириб, дўсту биродарларимизни қувонтириб, шу кунларга етиб келдик. Мен мана шу хосиятли айёмда бир ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур англаб олишимизни истардим. Яъни, инсон, оила ва жамият, авлод ва миллат тақдири, бугунги ва эртанги бахту саодати, ёруғ ва буюк келажаги барчамизнинг қўлимизда.

Ва бу олижаноб мақсадларга етиш бизнинг ҳаракатимиз, шижоатимиз, куч-қудратимиз, аҳиллигимиз ва бирдамлигимизга боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Қадрли дўстлар!

Наврўзи оламнинг яна бир шарофати борки, у ҳам бўлса, бу байрамнинг одамларни, бутун жамиятни бирлаштирувчи кучида намоён бўлади.

Ўзингиз бир қаранг, азиз дўстлар, биродарлар, бугунги мана шу улкан даврада қайси элат, қайси миллат вакили йўқ?

Шу кунларда барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бепоён дашту далалар ва қир-адирлар бағрида, бутун юртимизда яшаётган ватандошларимиз — миллати, тили ва динидан қатъи назар, Наврўзни баҳор ва хурсандчилик байрами сифатида нишонлаши бугунги ҳаётимизнинг ёрқин тимсолига айланиб қолганининг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Келинг, дўстлар, бугун ушбу шодиёнамизга ташриф буюриб, унда иштирок этаётган барча чет эллик меҳмонларимизни, хорижий элчихоналар ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини бутун халқимиз номидан Наврўз айёми билан яна бир бор самимий табрик этайлик ва уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни билдирайлик.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз юртдошларимнинг байрамона очиқ чеҳрангизга боқиб, узоқ ва яқин ҳудудлардан барчангизга йўлланган самимий тилак ва қизғин саломларни, жаҳон ҳамжамиятининг Ватанимизга нисбатан билдираётган, тобора ортиб бораётган ҳурмат-эҳтиромини, эътироф ва ишончини етказмоқчиман.

Ва сиз, қадрли ватандошларимга, сиз орқали бутун халқимизга яна бир бор таъзим қилмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Мана шу мусаффо Наврўз тонгида, Алишер Навоий бобомизнинг муборак номи билан аталган мана шу гўзал боғда туриб, айтмоқчиман:

Аввало, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин.

Йилимиз қутлуғ келиб, дарёларимиз сувга, омборларимиз ҳосилга тўлсин.

Оиласи, эл-юртининг ризқини ўйлаб, белни маҳкам боғлаб, қадрдон даласига йўл олаётган заҳматкаш деҳқонларимизнинг омадини берсин.

Ҳар бир хонадон, ҳар бир шаҳар ва қишлоғимиз, бутун Ўзбекистонимизни файзу барака тарк этмасин.

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

# БУНЁДКОР ХАЛҚҚА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

### Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Диёримизда фасли баҳор. Табиатнинг, борлиқнинг уйғониш палласи. Офтоб нуридан баҳра олаётган она заминимиз ям-яшил майсалар, ранг-баранг гулу чечаклар билан безанган. Дов-дарахтлар ҳам гулга бурканган. Бободеҳқон яхши ният билан ерга уруғ экаяпти. Ўлкамизда улуғ айём, қут-барака элчиси — Наврўз шукуҳи кезаётир. Барчанинг чеҳрасида яшариш, янгиланиш, бунёдкорлик кайфияти зоҳир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона либосда.

Мамлакатимизда Наврўз шодиёналари ҳар гал пойтахтимизнинг ана шу сўлим масканидан бошланади. Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий меҳмонлар ташриф буюрган.

Мажмуа ўртасида барпо этилган улкан саҳна ва унинг атрофида ҳофизлар, раққосалар, дорбозлар, чавандозлар, полвонлар, цирк артистлари, ҳунарманду усталар, чеварлар, кўйингки, барча қадимий ва замонавий касб эгалари ўз маҳоратини намойиш этишга чоғланган.

Соат 10. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини барча ўрнидан туриб, давомли қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси байрам тантаналари бошланганидан дарак беради.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари юртимиз фуқароларини умрбоқий байрам — Наврўзи олам билан самимий қутлар экан, унинг тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, қадимий қадриятлари, миллий урф-одатлари, анъана ва удумлари тобора шаклланиб, ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Диёримизда бу айём қадим-қадимдан ҳамиша меҳр-оқибат, мурувват, саховат ва бунёдкорлик байрами сифатида нишонлаб келинган.

Президентимиз кўп миллатли мамлакатимиз фуқароларининг бирдамлиги, дўстлиги, иноқлиги ифодасига айланиб қолган Наврўз тантаналарининг фазилатларига алоҳида тўхталди.

Майдон узра табиатнинг уйғониши — Наврўзи оламни мадҳ этувчи майин наво таралади. Мусиқий оҳангларга жисми жонимизни орзиқтириб фасли баҳор ғамзалари, қушлар чуғур-чуғури, сувлар жилдираши уйғунлашиб кетади. Майин куй оғушида кўз ўнгимизда табиатимизнинг бетакрор фасллари — ёз, куз, қиш, баҳор манзаралари намоён бўлади, турфа гуллар юз очади, булбуллар хониш қилади.



Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Карнай-сурнай садолари остида саҳнага шириндан-шакар болакайлар қуршовида нуроний Бобо ва Момо кириб келади. Эзгуликка талпинаётган кичкинтойларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-қўшиқлари, жозибали рақслари кишини беихтиёр ўзига ром этади. Айниқса, уларнинг қариялар билан қурган ўгитларга бой суҳбати барчага бирдек завқу шавқ улашади. Бу бежиз эмас, албатта. Халқимизда кексалар ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг дуосини олиш эзгу фазилатлардан биридир. Юртбошимиз ташаббусига биноан 2002 йил мамлакатимизда Карияларни қадрлаш йили, деб эълон қилингани замирида, шубҳасиз, ана шу ўзбекона донолик мужассам.

Шу боис бу тантаналар табиатнинг ранг-баранглиги, баҳор нашидаси, янги кун ва янги йилни олқишлаётган юртнинг нашъу намолари халқимизнинг юксак руҳияти, бунёдкорлик кайфиятини яққол намоён этади.

Бундай байрамлар учун шунга яраша сабаб, ютуқлар ҳам бўлиши керак. Бизда эса бундай тантаналарга яраша улкан ютуқлар талайгина. Истиқлол йилларида эришган муваффақиятларимизнинг барчасини санаб ўтиш учун анча вақт керак. Шу боис фақат ўтган йилги Наврўздан бу йилги байрамгача бўлган даврда амалга оширилган ишларнинг, эришилган ютуқларнинг баъзиларини эслаб ўтишнинг ўзигина мамлакатимизда улкан тантаналар учун етарли сабаблар борлигини яққол кўрсатиб беради.

Хусусан, ўтган йили халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси — «Авесто» китобининг 2700 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Қашқадарёда умумий қиймати қарийб 1 миллиард АҚШ долларига тенг, саноатимиз қудратини оширишга улкан ҳисса қўшадиган Шўртан газ-кимё мажмуи фойдаланишга топширилди. Асакадаги автомобиль заводи конвейерларидан эса «Матиз» русумли янги машина чиқа бошлади. Бир неча йирик тўқимачилик корхоналари ишга туширилди.

Фахрлансак арзийдиган бундай қувончли мисоллар саноғини яна давом эттириш мумкин. Мана шундай муваффақиятларга эришган ва эришаётган халқ улкан байрамлар, тантаналар ўтказишга минг карра ҳақлидир.

Бу йил мамлакатимизда қадимдан яшил диёр номи билан маълум ва машҳур Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги кенг нишонланади. Саҳнада ҳамиша навқирон ушбу шаҳарнинг тарихий қиёфаси Оқсарой сиймосида намоён бўлади. Қашқадарёлик санъаткорларнинг миллий урф-одатларга, расм-русумларга бой бетакрор чиқишлари вилоятлар бадиий жамоаларининг концерт дастурларини бошлаб беради. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардан келган бадиий жамоалар, ҳаваскорлар бирин-кетин ўз санъатларини намойиш этадилар.

Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови, лаган ўйини, дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар санъати ва спорт мусобақалари уйғунлашган улкан театр томошаларида эса миллий қадриятларимиз, қадимий удумларимиз Наврўз билан ниҳоятда чамбарчас эканлиги тараннум этилади.

Кўклам наволари мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатлар миллий маданият марказларининг байрам дастурларида янада теранроқ мазмун-моҳият касб этади. Зеро, Наврўз дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳам ўзига хос шодиёнасидир.

Замонавий миллий эстрадамиз юлдузларининг чиқишлари ҳам аждодларимиз меросига садоқат, кексаларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳи билан байрам шодиёналарига ўзгача файз киритди. Мазкур чиқишларда эстрада жанрида ижод қилаётган санъаткорларнинг ижро маҳорати ва сўзга масъулияти сезиларли ортганлиги кўзга ташланади. Буни Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили эстрада санъатини ривожлантиришга қаратилган қарори самараси сифатида баҳолаш мумкин.

(Давоми 2-бетда).







# БУНЁДКОР ХАЛҚҚА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда санъатимиз тараққиётига беқиёс ҳисса қўшувчи яна бир омилни эслаб ўтиш ўринли. Наврўз арафасида Тошкентда консерваториянинг янги биноси қурилиши ниҳоясига етди. Президентимизнинг ташаббуси ва эътибори самараси бўлган бу санъат кошонаси мамлакатимизда миллий ва жаҳон мумтоз мусиқаси ривожи учун, иқтидорли ёшлар санъатнинг бу нафис турини чуқур ўзлаштириши учун барча шароит яратилаётганига яна бир далолатдир.

Наврўз байрамида халқ ҳунармандлари кўргазмасини ташкил этиш яхши анъанага айланган. Бу гал ҳам миллий боғнинг каттагина қисми ҳунармандлик маҳсулоти ранг-баранг намуналари билан зийнатланган. Улар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг нафис диди, сержило касб-кори, бой маданий-маънавий мероси ва юксак санъати ифодаси.

Байрам томошаларидан кейин Президент Ислом Каримов ана шу кўргазмани кўздан кечирди.

— Наврўз бошқа байрамлардан тубдан ажралиб туради, — деди давлатимиз раҳбари шу ерда журналистларга берган интервьюсида. — У жуда қадимий ва ҳақиқий миллий байрамимиздир. Халқимиз бундан минг йиллар муқаддам ҳам Наврўзни нишонлагани тўғрисида «Авесто» китобида маълумотлар берилган. Мен Наврўзни умид, ишонч ва хурсандчилик тимсоли, деб биламан.

— Шу дамда Навоий ҳазратларининг «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз» деган сўзлари ёдимга тушади, — деди Ислом Каримов. — Ҳақиқатан ҳам, бугунги байрам кунларида кишиларнинг, айниқса, болаларнинг юзидаги кўтаринки руҳ ва кайфиятни кўриб, барча фуқароларимизнинг ҳар бир куни шундай шодиёналарга бой бўлишини Яратгандан яна бир бор сўрайман. Бизнинг бугунги кунимиз кечагисидан ёруғроқ эканлигини ҳамма кўриб турибди. Мен ишонаманки, эртанги кунимиз бугунгисидан кўра минг чандон нурафшон ва фаровон бўлади. Шундай байрамларни юқори руҳ ва кўтаринки кайфиятда ўтказадиган халқ ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари 2002 йил мамлакатимизда барча соҳаларда улкан ўзгаришлар йили бўлишини, бунинг учун етарли асослар борлигини алоҳида таъкидлади.

Пойтахтимизда бошланган байрам тантаналари нафақат юртимиз шаҳар ва қишлоқларида, балки хорижий мамлакатларда ҳам давом этади. Бундай дейишимизга сабаб бор, албатта. Истиқлолга эришганимиздан буён дунёнинг ўнлаб давлатларида Ўзбекистоннинг элчихоналари, ваколатхоналари фаолият кўрсатиб келаяпти. Табиийки, ўша жойларда ҳам Наврўз тантана қилинади.



Байрамга ташриф буюрган юзлаб, минглаб хорижлик меҳмонлар Наврўз таомларидан баҳраманд бўлади, халқимизга хос миллий урф-одатлар билан танишади. Бу каби тадбирлар юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори, нуфузи ортишига муҳим омил бўлади. Қолаверса, Тошкентдаги Наврўз байрами кўплаб хорижий мамлакатлар телеканалларида олиб кўрсатилди. Шу баҳонада олам аҳли бунёдкор халққа мана шундай улкан тантаналар ярашишига яна бир бор гувоҳ бўлди.

Наврўз шодиёналари, айтиш мумкинки, халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан ютуқлари, юрт тинчлиги, мамлакат тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ишларининг ўзига хос бадиий-мусиқий намойиши бўлди.

Миллий боғдаги байрам тантаналари мушакбозликка уланиб кетди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**Ўктам ДЎСТЁР,**
**ЎзА мухбирлари.**

**СУРАТЛАРДА: Наврўз байрами тантаналаридан лавҳалар.**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ,**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ**
**олган суратлар.**





*Янги кун тилаклари*

## Бу ёруғ дунёда омон бўлайлик

***Ер сайёраси деб аталмиш бу дунёда қанча халқ, миллат ва элат борлигини аниқ айтиш мушкул. Лекин бир нарса маълумки, уларнинг барчасида у ёки бу тарздаги миллий байрамлар нишонланади, қадимий-анъанавий удумлар қадрланади. Бундай тантаналарда кишилар бир-бирига энг эзгу тилакларини изҳор этишади. Бугун ўлкамизда баҳор нафаси кезмоқда, чор атроф яшилликка бурканаётир. Бу — Наврўз келганидан, йил янгиланаётганидан дарак. Шундай дамларда юртдошларимиз қалбида ширин туйғулар, ёруғ истаклар жўш уриши табиий. Бир қулоқ тутайлиг-а!?***



**Шаҳноза ШУҲРАТЖОНОВА, таэквандо устаси, жаҳон ва қитъа чемпионатлари совриндори:**

*— Наврўз байрамларини кузатиб бир нарсага амин бўламан. Халқимиз тарихи, анъаналари нақадар бой. Бундан фахрланасан киши. Ана шу ифтихор айни пайтда мусобақаларда катта масъулият юклайди бизга. Шундай улуғ ўтмишга эга бўлган Ўзбекистон номидан майдонга чиққан спортчи беллашувда ютқазиб қўйса, уят бўлади ахир. Бу гапларни устозим Пўлат ака Усмонов жуда кўп такрорлайди. Баҳсга киришар эканмиз, нафақат уялиб қолмаслик учун, балки Ватан байроғини мағрур кўтаришга ҳаракат қиламиз. Интилишларимиз ўз самарасини бераяпти ҳам. Ўтган йилги Наврўздан бугунгача чемпионларимиз икки карра кўпайгани бунга мисол. Ҳозир Ўзбекистон таэквандочилари жаҳонда кучли учликдан ўрин олиб турган бўлса, келаси Наврўзгача янаям юқори кўтарилишни ният қилганмиз.*



**Алишер ОРИПОВ, подполковник:**

*— Ҳарбий либос кийганларни халқимиз Ватан ҳимоячилари деб атайди. Юртимиз посбонлари, чегараларимиз қўриқчилари дея эъзозлашади. Ана шу юксак ҳурмат ва ишончни оқлаш учун ҳарбийларимиз байрамларни ўз жанговар постларида кутиб олишади, шу ерда нишонлашади. Ва бундан чексиз ғурур туюшади. Зеро, Ватан тинчлигини сақлашдан ҳам шарафлироқ вазифа борми дунёда. Шоирнинг «Ғилдираги йўқдир Ватаннинг» деган сатри ёдимга келади шу пайт. Модомики, Ўзбекистон киндик қонимиз томган юрт экан, уни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Йил бошидан яхши ният қилайлик: илоҳим, тинчлик абадий бўлсин!*



**Мақсуд МАҲМУДОВ, муҳандис (Янгийўл тумани):**

*— Биласизми, Наврўзни нима учун яхши кўраман? Чунки у менинг байрамим. Отам ҳам, бобом ҳам, боболаримнинг боболари ҳам катта тўй қилиб нишонлаган уни. Ҳозир мен, эртага фарзандларим давом эттиради шу анъанани. Бу тўйининг энг тансиқ таоми — сумалакни момоларимиз катта дош қозонларда қайнатиб элга тарқатган. Ўзимиз ҳам шу сумалаклардан ялаб-ялаб катта бўлганмизда. Нима дедингиз? Байрамнинг яна бир жиҳати, бу пайт кексаларнинг, муҳтожларнинг ҳолидан хабар олинади. Баҳоли қудрат ҳиммат кўрсатилади. Янами? Яна байрамни байрамдай ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилади, ёшу қари ҳашарга чиқиб, кўча-кўй орасталанади, дарахт экилиб, ободонлаштирилади. Шу кундаги тилагимни сўрадингиз. Эшитинг: ўзлигимиздан, бир-биримизга бўлган меҳрдан айирмасин.*



**Муаззам ҚОДИРОВА, Навоий вилояти туризм бошқармаси бошлиғи:**

*— Бу галги Наврўзда мен умримнинг элликинчи баҳорини қарши олдим. Ярим асрлик ҳаёт йўли қандайдир хулосалар чиқаришга изн беради деб ўйлайман. Айниқса, ҳозиргидек шукуҳли айёмларда инсоннинг дил қулфи очилиб кетади. Халқимизнинг яхши одати бор. Саломдан кейинги каломи дуодан бошланади: элимиз тинч, юртимиз осойишта бўлсин! Мен буни бежиз тилга олаётганим йўқ. Болалигимиздан жуда кенг деб ўйлаганимиз дунё айни пайтда шунчалар мўъжаз, омонат эканлигини ҳис қилдик кейинги йилларда. Бошимиздан кечирган воқеалар бунга гувоҳ. Олис океан ортидаги сентябрь ҳодисалари-чи? Шу жараёнлар туфайли биргина жаҳон туризми, хусусан, мамлакатимизнинг сайёҳлик тизимлари қанчалик зарар кўрганини эътибор қилган киши илғаши қийин эмас. Айтмоқчи бўлганим, ҳар бир фаолиятнинг, умуман, фаровон ҳаёт заминида, энг аввало, тинчлик ётади. Кейинги Наврўзларда тўрт кўз тугал кўришганимизда террор дея аталган бало бутунлай қуриб битсин!*

**"Халқ сўзи" мухбири Озод БЕК ёзиб олди.**





# НАВРЎЗ ОҒУШИДА ЭРКАЛАНГАН ЮРТ

Бугун ўлкамиз баҳор фаслининг дилбар келинчаги Наврўз тароватi ва малоҳатидан сархуш. Беихтиёр бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжоннинг жўшқин мисралари юракларга оқиб кира бошлайди:

***Водийларни***
***яёв кезганда,***
***Бир ажиб ҳис***
***бор эди манда.***
***Чаппар уриб***
***гуллаган боғин,***
***Ўпар эдим***
***Ватан тупроғин!***

Ҳа, бугун диёримиз боғлари анвойи ранглар билан безанган. Ранглларнинг одамлар қалбига кўчиши эса янада мароқлидир. Республикамизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакиллари барча билан бирга Наврўз байрамига пешвоз чиқди. Уларнинг юз-кўзларида эзгу ниятлар барқ уради, бир-бирларига одатдагидан кўпроқ меҳр билан боқадилар. Ўзбекистон деб аталмиш шу тупроқ, шу Ватан учун яшаш ва меҳнат қилишдан ортиқроқ шарафни билмайди улар. Шундай кезларда инсониятнинг отаси бир, онаси бир эканлиги аён бўлади-қўяди. Болаларни айтмайсизми, болаларни. Севинчлари дунёга сиғмайди. Иложини қилиб, осмонда учиб бораётган варраклари ёнига ўзлари ҳам чиқиб олишса. «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланаётган ширинтойлар ҳам байрам кунларида меҳр-мурувватга бурканишди. Яхши одамлар, ҳомий ташкилот ва корхоналар уларни нафақат озиқ-овқат, кийим-кечак каби совғалар, балки илиқ ва ҳароратли меҳрлари билан-да хушнуд этдилар. Қанийди, бир моҳир рассом бўлса-ю, курраи заминга гўдак кулгусидан зеб бериб чиқса.



Байрамларнинг бори яхши. У одамларни янада яқинлаштиради, жипслаштиради. Одамийлик туйғуларини кучайтиради. **Оролбўйи** учун бу йилги байрамнинг қадами кутлуғ бўлди: Устюрт этакларига оби-ҳаёт келди. Тўққиз айланмали от пойгаси, Тўрткўл ўйингоҳида қариялар учун тикилган алоҳида ўтовлар ва ниҳоят Нукусда бўлиб ўтган тантаналар ўзига хослиги билан байрам жозибасига жозиба қўшди.

Дилбар **Фарғона**да Наврўзи олам шодиёналари «Умид ниҳоллари» ўйинларига тайёргарлик билан ҳамоҳанг бўлиб кетди. Туман ва қишлоқларда 30 дан зиёд янги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Бағдод туманидаги Чуваланчи ва Хитой қишлоқлари хонадонлари тоза ичимлик суви билан таъминланди. «Саховат» қариялар уйидаги отахону онахонлар байрамни янгидан таъмирланган бинода кутиб олдилар. Байрам вилоят марказидаги Аҳмад ал-Фарғоний номли боғда ниҳояланди.

Ушбу кун **андижон**ликлар, айниқса, болакайлар учун мароқли кечди. Шаҳардаги болалар боғи афсонавий шаҳарчанинг худди ўзи. Турли-туман эртак қаҳрамонлари акс эттирилган мазкур даргоҳ эртадан кечгача кичкинтойлар билан гавжумлашди. Чинободдаги «Алишер Навоий интернейшнл» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси жамоасига байрам алоҳида қадрли бўлди. Негаки, ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик йил сайин мустаҳкамланиб бораётганлиги, иқтисодий соҳадаги муносабатлар янгича мазмун касб этаётганлиги сабабли корхонанинг экспорт имкониятлари ортди.

Кўҳна **Самарқанд**нинг марказида каттагина боғ бор. Бир боғки, таърифига сўз етмайди. Дастлаб қишлоқлар, маҳаллалар ва туманларда бошланган шодумонликлар ана шу сўлим боғда бирлашди. «Мўъжиза» амфитеатрида Наврўз наволари янгради. Даладаги экин-тикин ишлари, чорвачиликдаги муҳим давр — қўзилатиш мавсуми юмушларининг бекаму кўст бажарилиши Янги йил — Йил боши билан бевосита боғлиқдир. Чунки янги йил одамларнинг орзу-умидларини баракали этади ва улғайтиради. Давра олиб курашга тушаётганлар бу юртнинг полвонлар юрти эканлигини ҳар лаҳза ёдга солади.

Ўз номи билан «Дўстлик» деб аталмиш туманда ҳақиқий дўстлар байрами содир бўлди. «Навбаҳор» ширкат хўжалигида жойлашган 13-мактабга **Жиззах** вилоятидаги миллий-маданий марказлар вакиллари, намунали оилалар, қўшни маҳалла, хўжаликларда яшайдиган тожик, татар, немис каби ўнлаб миллатларга мансуб кишилар таклиф этилди. Қозоқ миллий-маданий маркази томонидан тайёрланган ранг-баранг байрам таомлари барчага манзур бўлди.

Форишликлар Қизилқирга — халқ миллий ўйинларининг тикланиш майдонига айланган тепаликка чиқдилар. Кексаю ёш, аёлу эркак чаққонлик, топқирлик, зийраклик ўйинларида баробар иштирок этишди.

Баҳор ва Наврўз томошалари эртага Жиззах шаҳрига кўчади. Унда ҳар бир туман биттадан мучал бўйича тайёрлаган дастур алоҳида эътиборга молик.

**Қашқадарё**ликлар 21 мартни меҳр товланган кун, дея қаршилашди. Саҳарда Қарши шаҳри кўчаларида баҳорий гуллар билан безатилган арава пайдо бўлди. Ундаги карнай-сурнайчилару, қизиқчи, масхарабозлар халқни сайрга чорларди. Марказий «Насаф» ва «Геолог» ўйингоҳларида эса «Наврўз бошланади Қашқадарёдан», деб номланган театрлаштирилган томошалар, ўзбек миллий ва чет эл спорт турлари бўйича беллашувлар авжига чиқди. Томошабинлар сон-саноқсиз. Ҳатто, хўрозлар жангининг ҳам ўз ишқибозлари бор.

Табиатнинг қошларига ўсмалар қўйиб келган Наврўз **Сурхондарё**га ҳам қадам ранжида қилди. У тирикликнинг, эсонлик-тугалликнинг ҳикматларидан ривояту ҳикоятлар айтди. Дарахт ҳар йили бир хилда гулламагани каби, Наврўзнинг ҳар галги келиши ҳам ранг-баранг. Сурхондарёда у Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйига боғлаб нишонланди. Бу баҳорий байрам Термизнинг ярқироқ пешонасини силаб-сийпамоқда. Хиёбонлари сўлим, иморатлари кўркам, дарахтлари навқирон шаҳарларнинг кўркижамолидан одамларнинг баҳри-дили яшнамоқда.

Муборак айём куни «Алпомиш» ўйингоҳида, унга туташ истироҳат боғида сайлу томошалар, заковатлар баҳслару полвонлар беллашувлари бўлиб ўтди. Қўшни афғонистонлик меҳмонлар ўктам ва хуррам элнинг шодиёналарига шерик бўлдилар. Улар ўз заминига ҳам бу йилги Наврўз тинчлик ва осойишталик руҳини олиб келганидан хушнудлигини билдирдилар.

Тоғли Олтинсой туманининг яна бир қишлоғида табиий газ ёнди.

Бу йилги Наврўз пайшанба кунида дохил бўлди. Донишмандлар бу дохилликнинг хосиятлари ҳақида ёзиб қолдирганлар: «Деҳқончилик, чорвачилик юмушларига барака ёғилади. Меҳр-оқибат қуюқлашади. Эзгу амаллар қарор топади. Одамларнинг орзу-умидлари ушалади. Беморларнинг жисми-жонига куч-қувват, маҳзун кўнгилларга ёруғлик инади».

* * *

**Юқоридаги каби шодиёналар ва тантаналар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам бўлиб ўтди ва ўтмоқда. Ҳамманинг чеҳрасида табассум, лабларида ханда. Бир-бирига муштоқлару меҳр кўргазганлар қанча... Гина-кудуратлар унут бўлди. Аслида Наврўз мана шундай фазилатлари билан Наврўз-да!**

**Шу куни олам қутлуғ тилакларга тўлиб-тошди. Одам боласи борки, бирор савоб иш қилмоққа ошиқди. Қариялар дуога қўл очдилар: «Юртимиз тинч, Юртбошимиз омон бўлсин!». Бу сўзларда дил тубидан отилиб чиққан меҳр бордир, оташ бордир. Бу меҳр, бу оташ халқимизни мустақил Ўзбекистонимиз ривожига ҳисса қўшишга чорлаб туражаги шубҳасиздир.**

**Вилоят мухбирларимиз билан Г. ҲУСАНОВА хабарлашди.**

